(Исфандиёрхон) (? - 1643)
(1623-1643)

Хива хони, Араб Мухамадхоннинг ўгли. Шайбонийлар сулоласидан. Туркманлар ёрдами билан укаси Элборс (Илборс) Султонни тахтдан агдариб, 1623-йили Хивада хонлик тахтига ўтирди. У туркман зодагонларига таяниб иш юритди. Эрон давлати кўлига ўтиб колган Жанубий Туркманистонни Хива хонлигига кўшиб олишга интилди, аммо 1628-йилда сафавийлар кўшинидан енгилди. ХВИИ асрнинг 30-40-йилларида Бухоро ва Россия билан савдо-сотик ишларини олиб борадиган карвонларга зарар етказаётган калмокларга карши каттик кураш олиб борди; калмокларга карши иттифок тузиш максадида Москва билан музокаралар юритди. Араб Мухаммадхонни ўлдиришда Хабаш Султон билан Элбарс султонга ёрдам бергани учун Хоразмдаги уйгур ва найман кабилаларининг чорва молларини тортиб олди ва уларга карши киргин уюштирди. Бу фожиадан кутилиш учун ўзбекларнинг бошка кабилалари Хивадан Мовароуннахрга, баъзилар эса Мангишлок ёки козок даштларига кўчиб кетдилар.
Асфандиёрхон даврида таркоклик ва халк оммасини эзиш янада кучайди, бу эса мехнаткашлар норозилигига сабаб бўлди. Бундан фойдаланган ер мулкдорлари ўз вакилларидан бири Абулгози Баходирни Асфандиёрхонга карши кўйдилар. Натижада 1643-йил Орол ўзбеклари Абулгозини хон килиб кўтардилар. Худди ши йили Асфандиёрхон вафот этди. Орадан 2 йил ўтгач, Абулгози Баходирхон Хивада тахтда ўтирди.